

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Shartnoma

2. Loyihaning qisqacha mazmuni:

Neft mahsulotlarini yetkazib berish haqidagi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va xujjat sanasi haqidagi ma'lumot: Loyixa Urganch tuman Irrigatsiya bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va DG38413012-sonli hujjat raqmi bilan 17.01.2022-yilda tizimga kiritilgan.

O'zbekiston Respublikasi 1998-yil 29-avgustda qabul qilingan «Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risidagi»gi Qonuni va O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi talablari asosida shuningdek, o'zaro hisob-kitob qilish tomonlarning ma'suliyati, javobgarligi hamda nizolarning hal qilish tartibi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Urganch tuman yuridik xizmat ko'rsatish
markazi bosh yuriskonsulti**

18.01.2022-yil



M.Karimov

**Нефт махсулотларини етказиб бериш ҳақидаги
ШАРТНОМА**

Урганч тумани

№176071-01-2

“ 17 ” январ 2022 й.

“Махсулот етказиб берувчи” деб аталувчи “Урганч нефть базаси” маъсуляти чекланган жамияти номидан Устав асосида фаолият юритувчи директор С. Матқаримов бир томондан ва «Истеъмолчи» деб аталувчи “Урганч тумани ирригация бўлими” номидан илҳом асосида иш юритувчи И. Ғузнов иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Махсулот етказиб берувчи” “Истеъмолчи”нинг буюртмасига мувофиқ тегишли русум ва микдордаги нефть махсулотларини етказиб бериш, “Истеъмолчи” эса нефть махсулотлари учун олинган ҳақини тўлаб қабул қилиб олиш мажбуриятларини ўз зиммаларига олади.

1.2. Етказиб бериладиган нефть махсулотлари микдори, баҳоси ва муддатлари қуйидаги жадвалда белгилаб қўйилади.

Махсулотнинг номи	Ўлчов бирлиги	Нархи	Микдори	Суммаси	Жами сумма	тикет	
Дт	Тн	Махсулот етказиб берилиши санъатига амалда бўлган нархда					
Дт-ЭКО	Тн						
АИ 80	Тн			0,100	10 527 074,42	1 052 707,44	5238450
АИ 91	Тн						

2. МАХСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА КАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. “Махсулот етказиб берувчи”нинг ҳисоб рақамига “Истеъмолчи”нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефть махсулотлари учун олинган 100 фойз тўловлар келиб тушгандан сўнг нефть махсулотлари етказиб берилади.

2.2. “Истеъмолчи”да нефть махсулотларини сақлаш учун идоравий нефть омбори ҳамда нефть махсулотларини ташиш учун махсус автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефть махсулотлари уларнинг автотранспортга юклаб юбориш орқали етказиб берилиши мумкин. Бундай ҳолларда махсулотни топшириш ва қабул қилиш “Махсулот етказиб берувчи”нинг нефть омборида амалга оширилади. Махсулот “Махсулот етказиб берувчи”нинг омборидан “Истеъмолчи”нинг вақили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт хужжатлари расмийлаштирилган сана “Махсулот етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. “Истеъмолчи”нинг махсус автотранспорт воситаси ва ситими “Хавфли юкларни ташиш қоидалари”га ҳамда 1510-84 сонли Давлат стандарти шартларига мувофиқ жиҳозланган бўлиши лозим. Акс ҳолда автотранспорт воситалари нефть омбори ҳудудига киритилмайди ва уларга нефть махсулотлари қўйилишига руҳсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг буш келиб-кейтиши учун “Махсулот етказиб берувчи” жавобгар бўлмайди.

2.3. Нефть махсулотлари “Истеъмолчи”га “Махсулот етказиб берувчи”нинг махсус транспорт воситасида етказиб берилса, автосенгити конкоти ГОСТ 1510 асосида “Истеъмолчи” вақилининг талабига мувофиқ тамганлади. Махсулотни топшириш ва қабул қилиш “Махсулот етказиб берувчи”нинг нефть омборида амалга оширилади. Товар-

транспорт нақлиёти расмийлаштирилган сана “Махсулот етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

2.4. Нефть махсулотлари “Махсулот етказиб берувчи”га тегишли бўлган ёнилиги тарқатиш шахобчаси орқали етказиб берилса, бунинг учун “Истеъмолчи”нинг ишончмасига мувофиқ махсулотни ёқилиш тарқатиш шахобчасидан олиш тўғрисида руҳсатнома расмийлаштирилади. Мазкур руҳсатнома “Истеъмолчи”нинг вақили томонидан ёнилиги тарқатиш шахобчасига тақдим қилинади. Шаҳобча оператори ўз навбатида тарқатиш varaқаси юритади. “Истеъмолчи” вақилига берилган махсулот микдори тарқатиш varaқасига киритиб борилади. Тарқатиш varaқасида “Истеъмолчи”нинг вақилининг махсулотни микдоран тўлиқ олганлиги тўғрисида имзо қўйилган сана, «Махсулот етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

2.5. «Харидор»нинг вақили нефть махсулотларини олаётган вақтда махсулотнинг сифати ва микдорини жойида текшириб олади. Махсулот юқланган автотранспорт воситаси «Харидор» вақили кузатувида “Махсулот етказиб берувчи”нинг нефть омбори ҳудудидан чиқарилган сўнг махсулот микдори ва сифати бўйича жавобгарлик ва махсулотга эгалик ҳуқуқи, тасолифий нобуд бўлиши, нефть махсулотларига зиён етиш хавфи «Харидор» зиммасига ўтади. “Харидор” вақили кузатувида олиб кетилган махсулот микдори ва сифати бўйича эътироз қабул қилинмайди.

3. ЎЗАРО ҲИСОБ - КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Шартноманинг суммаси 1 052 707,44 сўмни ташкил қилади.

3.2. Ушбу шартнома махсулот етказиб бериш ва ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос бўлади.

3.3. Бюджет ташкилотларига, пахта хошмашеси ва ғалла ишлаб чиқарувчи фермер хўжалиқларига ва пахта-тўқимачилик кластерларига, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Тошшахарансхизмат” АЖ, маънавий чиқиндиларни тўлаш ва олиб чиқиш бўйича давлат корхоналари (истеъмолчиларнинг айрим тоифалари)га дизел ёқилгиси (шу жумладан ЭКО маркази дизел ёқилгиси) ўрнатилган тартибда биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртacha биржа нархларида сотилади.

3.4. Ушбу шартноманинг 3.3. бандида назарда тутилган айрим тоифадаги истеъмолчилардан ташқари бошқа истеъмолчиларга махсулот етказиб берилиши санъида нефть базанда шаклланган сотиш нархида махсулот етказиб берилади.

3.5. “Истеъмолчи” нефть махсулотларининг харид қилиналган партияси учун ҳақини олинган 100 фойз микдорда «Махсулот етказиб берувчи»нинг ҳисоб-рақамига тўлайди. Олинган тўлов пул кўчириси йўли билан амалга оширилади. Пул маблағи “Махсулот етказиб берувчи”нинг ҳисоб рақамига келиб тушгач махсулот етказиб берилади.

3.6. Хар ойнинг якуни бўйича ўзаро ҳисоб китобларни таккослаш учун “Истеъмолчи” вақилини “Махсулот етказиб берувчи”нинг ҳузурига юборади. Якуний ҳисоб китоблар учун чет-фактура асос бўлади.

4. НЕФТ МАХСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

4.1. «Махсулот етказиб берувчи» «Харидор» га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефть махсулотларини етказиб бериши кафолатлайди. Етказиб бериладиган нефть махсулотларининг сифатига оид маълумотлар махсулот етказиб берилиши жараёнида тақдим қилинадиган сифат паспортига қайд этилади. Махсулот Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши лозим.

4.2. Нефть махсулотларини олишда «Харидор» уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

ТАРАФЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.3. Агар етказиб берилган нефть махсулотларининг сифати, ассортиментини, навлари стандарт техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномала белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, «Махсулот етказиб берувчи» сифати зарур даражада бўлмаган нефть махсулотлари қийматининг 5 фойзи миқдорда жарима тўлайди.

4.4. Нефть махсулотларини етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда «Махсулот етказиб берувчи» «Истеъмолчи»га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фойзи етказиб берувчи»

микродорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган нефть маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

4.5. «Истеъмолчи» га етказиб берилган нефть маҳсулотларини танлаб олмастик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврга) уларни етказиб берганда маҳсулотни олишни асосиз равишда рад этганлик учун «Истеъмолчи» маҳсулот етказиб берувчи»га танлаб олинмаган (Ўз муддатда олинмаган) маҳсулотлар қийматининг 5 фоизи микродорда жарима тўлайди. Маҳсулотлар танлаб олинмаган (олиш асосиз рад этилган) ҳолларда, «маҳсулот етказиб берувчи» жарима ундиришдан ташқари, ушбу маҳсулотлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (Ўз муддатда олинмаган) маҳсулот лар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.6. Етказиб берилган нефть маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳақ тўламаганда «Истеъмолчи» «Маҳсулот етказиб берувчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микродорда пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

4.7. «Истеъмолчи» томонидан сарфланган транспорт харажатлари ва бошқа қўшимча тўловларни тўламаганлиги учун «Маҳсулот етказиб берувчи» «Истеъмолчи»га тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4 фоизи, бироқ тўлов муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан кўп бўлмаган микродорда пеня тўлайди.

4.8. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

5. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

5.1. Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилизила, кўчки, бўрон, кургоччилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини қўзғаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шартноларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қўрилган ҳолатлар солир бўлганлиги, шунингдек Қонун ва қонун ости ҳужжатларининг қабул қилинганлиги туфайли бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ҳужжатлар асосида исботланса жавобгарлик санкциялари қўлланилмайди.

5.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўққинлик қилувчи форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугатиши тўғрисида томонлар зудлик билан бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

5.3. Форс-мажор ҳолатлари бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар, қондага кўра, мустақил равишда ёки туман (шаҳар)лар ҳокимликлари хузурида ташкил этиладиган энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссия иштирокида уларни судгача ҳал этиш чора-тадбирларини кўрадилар.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, тарафлар қондага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар, жумладан ёзма тарзда эътироз хати юбориш шарт. Узоғи билан бир ойлик муддат ичида эътироз хати рад этилса ёки эътироз хати жавобсиз қолдирилса келишмовчилик ва низолар жавобгар жойлашган жойдаги иқтисодий судга ҳал қилинади.

6.2. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажарётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай харажатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни тақлиф қилмайди, ваъда бермайди, товланмачилик қилмайди, пора сифатида пула тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини қўзғаб муайян харажатларни солир этиши ёки солир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қийматликлар ёки мулккий наф олмайди. Томонлар ушбу харажатларга йул қўймайди бундан чоралар қўришишга кафолат беради.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИНИШИ

7.1. Шартнома « 17 » 01 дан 2022 йил « 31 » 12» 2022 йил_ гача амалда бўлади.

8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома тарафларнинг келишувида кўра ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, иккинчи тарафнинг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин. Шартнома қонун ва қонун ости ҳужжатларининг қабул қилинганлиги туфайли бир томонлама «Маҳсулот етказиб берувчи»нинг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартририш ва қўшимчалар ёзма шаклда киритилади.

8.3. Шартнома икки нусхада тузилиб, тарафларда бир нусхадан сакланади ва иккала нусхалари ҳам тенг юридик қучга эгадир.

9. Томонларнинг юридик манзиллари, банк реқвизитлари ва имзолари:

«Маҳсулот етказиб берувчи»

«Урганч нефть базаси» МЧЖ
Урганч тумани Чатқулпир қишлоғи
Паррандачилик фабрикаси пос.
Х/с: 22604000704268518701

«АТБ» Сановат қўриқхонаси, Тошкент шаҳар Яшнобод

Ф/о: 0045340101 С.Матқариев
004589421

«Истеъмолчи»

Манзили: Урганч тумани
Сарфланган туғилган
Тел. рақами: 305080049

Х/с: 1009 2286 03217 7010017
0001



(хизмат кўрсатувчи банк номи)

С.Матқариев
М/о: 23008 0030010000100
Т/о: 0001
И.И.О. М. Ҳўзишев

Бухгалтерия
Сотил бўлими
Юридик бўлим